

ДУРРИЯТ

МУСТАҚИМ ГАЗЕТА


6-12 декабрь
2000 йил
48 (201) - сон

Чоршанба кунлари чиқади 1996 йил декабрдан чоп этила бошлаган

КИМ ЖИНИ? 2-БЕТ

ЎФИПЛАРИНГВЗНИНГ ОПИЖАНОБ НИЯТЛАРИ... 3-БЕТ

ЎШ ЙЎЛИДА 4-БЕТ



АЙЁМ

ЭРКИНЛИК ҲАҚЛАРИН ИШЛАТИШ ЗАМОНИ

Конституциямизнинг 8 йиллигига

Ўз мустақиллигини қўлга олиб қудратли давлат яратмоқчи бўлган ҳар қандай халқ аввало ўз асосий қонунлари мажмуи бўлмиш Конституциясини ишлаб чиқади. Бизда ҳам худди шундай бўлди.

1991 йилнинг 31 августида республика Олий Кенгашининг VI сессиясида Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги эълон қилинди. Шундан кейин ўзбек халқининг миллат вакили бўлмиш ноиблар бир йил давомида Ўзбекистон Конституцияси лойиҳасини ишлаб чиқдилар ва бир неча ой давомида бу Конституция лойиҳаси умумхалқ муҳокамасида бўлди. Жаҳондаги барча ривожланган мамлакатларнинг тажрибалари ва халқнинг миллий ўзига хос ҳаёт тарзи ҳисобга олинган ҳолда мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси вужудга келди. Бу Конституция 1992 йил 8 декабрда Олий Кенгашнинг ўн иккинчи чакриқ ўн биринчи сессиясида қабул қилинди. Бу Конституция давлатимиз қайта тикланганини аниқлаб, ҳақиқий мустақиллигимизнинг мустаҳкам асослари қўйилганини ифодалайди.

Конституция 6 та бўлим, 26 боб ва 128 моддадан иборат. Биринчи бўлимда конституциявий тузумнинг асосий тамойиллари мажмуи келтирилган. Давлат мустақиллиги, халқ ҳокимияти, Конституция ва Қонун устуворлиги ҳамда Ўзбекистон халқроқ муносабатларнинг тула ҳуқуқий субъекти эканлигини белгилловчи тамойил ана шундай тамойиллардандир.

Иккинчи бўлим инсон ва фуқаронинг асосий ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини мустаҳкамлайди. Ўзбекистон Республикасининг Асосий Қонуни инсонни ҳақиқат ва давлатнинг олий қадрияти, яъни энг муҳим бойлиги деб эълон қилди. Конституциянинг 128 моддасидан 60 тадан кўпроғи шахснинг ҳуқуқий мақомига, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига бағишланган.

"Жамият ва шахс" деб аталган учинчи бўлим жамиятнинг иқтисодий асосларига, жамоат бирлашмаларига, оила масалаларига ва оммавий ахборот воситаларига бағишланган.

Тўртинчи бўлим маъмурий-ҳудудий ва давлат қурилиши масалаларига аниқлик киритади. Бешинчи бўлим давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши ҳақидадир.

Олтинчи бўлимда Конституцияга ўзгартириш киритиш тартиби белгилаб берилган. Кўпчиликни асосан сўз ва виждон эркинлиги масалалари кизиқтиради.

Ўзбекистон Конституциясининг иккинчи бўлими 29-моддасида шундай дейилган:

"Хар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Хар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга. Амалдаги конституциявий тузумга қарши қарилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустаснодир. Фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги фақат давлат таъсири ва бошқа сирларга тааллуқли бўлган тақдирдагина қонун билан чекланиши мумкин".

Ўзбекистонда ҳам, чет элларда ҳам бирон киши моддага эътироз билдирмади. Чунки ҳамма давлатларда ҳам сўз эркинлиги масаласи деярли шунга ўхшашидир. Эътироз ва қарши фикрлар фақат шу қонуннинг амаддаги кўриниши, ҳаётда қандай жорий қилинаётгани борасидадир. Фақат шунини унутмаслик керакки, қонун ва амад масаласи ҳамма даврларнинг, ҳамма замон ва ҳамма давлатларнинг бошида бор саводидир.

Дунёнинг барча зиёлилари бу масалада ҳамфикрларлар. Камолот ва инсон ҳуқуқлари ҳақида ўйловчи барча зиёлиларнинг қалбини оғригатадиган, бошини зириллатадиган бу муаммо фақат бизга хос деб айтолмайман. Дунёнинг энг демократик давлати саналувчи АҚШда ҳам, Франция ва Англияда ҳам, Россия ва Японияда ҳам сўз эркинлиги ҳақидаги қонун ҳаётга тула жорий қилинган деб айтишнинг иложи йўқ. Кундалик воқеаларни кўриб, кузатиб турибмиз. Беайб парвардигор, Нуҳсон ва етишмовчиликлар ҳаммада ҳам бор. Бизда ҳам бор. Қонун посбонлари орасида ҳам, фуқаро ичида ҳам хар хил савиядаги одамлар учрайди. Салгина камчилик ҳақида гап осангиз, ё бирон салбий ҳодисани чуқурроқ таҳлил қилишга киришсангиз буни "конституциявий тузумга қарши қарилган ахборот" деб тушунувчилар ҳам учраб туради. Уз ҳақ-ҳуқуқлари ҳақида аниқ билимга эга бўлмаган фуқаролар-ку етарли. Ўзлари ўз ҳақларини қандай ундиришни билмаган ҳолда айбни ҳуқуқ органларига тўнкайдилар. Фақат шу нарсани айтиш мумкинки, билимдонлик кундан-кунга ортиб бормоқда.


Ўзбекистон Конституциясининг 31-моддасида: "Ҳамма ўчун виждон эркинлиги кафолатланади. Хар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларини мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди", дейилган.

Ўзбекистонда диний эркинлик таъминлангани куруқ гап эмас. "Қур'они карим"нинг ўзбекча нашр этилганлиги, Бухорий, Термизий, Наҳибанд, Маргиноний, Мотурудийнинг бутун жаҳонга маълум бўлган асарлари чиқарилгани ва чиқарилаётгани Ўзбекистонда диний қарашларга берилган эркинликнинг эркин намуналаридир. Бухорий ва бошқаларга оид мейморий обидларнинг тиклангани, масжид ва мадрасалар ишга туширилгани, Ислам университетининг қурилиши ва бошқа ўнлаб мисолларни келтириш мумкин.

Айрим диний оқимларнинг иши чекланганлиги, чунончи, ваҳобийликнинг таъқибга учраганлиги, уларнинг фаолиятидаги экстремистик талавлар билан боғлиқдир. Ваҳобийлардаги бўлувчилик, исломий ҳуқуқатга солаётган раҳналар чиндан ҳам уларнинг фаолиятини чеклаш лозимлигини кўрсатади.

Албатта, бизнинг таълим тизимларимизда исломий тарбияга оз аҳамият берилди. Эндилмида бу масала ҳам урганилмоқда ва келгусида энди ёшларимиз тўғри билан бутулини ажрата биладиган насл бўлиб етишсаки шак-шубҳасиздир. Чунки Ўзбекистон Конституцияси бунга тула асос беради.

Миразоз АЪЗАМ



НАШР

"ТЕАТР" САҲНИДА

Театрни санъат маликаси деб беҳиз айтишмаган! Омавийлик борасида кинодан қолшмайдиغان бу санъатнинг шу қадар муҳимлиги кўпчи, халқимиз тийнатидаги театр-га бўлган ташналикни қондириш борасида жуда кўп ишлар қилинаётганини фахр билан тилга олмақ жоиз. Хусусан, Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги, "Ўзбектеатр" ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси "ТЕАТР" журналининг нашр этила бошланиши маданий ҳаётимизда тарихий ҳодиса бўлди! Журналининг хар бир янги сони нафақат мутахассислар ва сахна санъати захматкашлари учун,

айни вақтда кенг омма учун ҳам муносиб "сюрприз" десак муболага бўлмайди. — Ҳақиқатан ҳам журналистик жуда кенг халқ оmmasига мўлжалланган, — дейди журналист Оропов. — Унда ҳам мураларимизни кизиқтирган бир-бирдан кизиқарли маълумотлар, хотиралар, фотосуратлар эълон қилинади. Шу тариқа "ТЕАТР" ўзига хос ўзбек сахна санъатининг кўзгусига, минбарига айланиб бормоқда.

Журналининг янгигина нашрдан чиққан 5-сонини вақтдан, бу гапларнинг бево-

"ХУРРИЯТ"-TV

СУДЛАР ҲАМ АДАШАДИ

Телевидениеда қонун муҳокамаси

Тунов кун "Ешлар" телеканалда берилган "Хуқуқ ва бурч" кўрсатувини кўридингизми? Нима, йўқ дейсизми?..

Сентябрнинг охирида янги таҳрирдаги "Судлар" тўғрисидаги Қонун лойиҳаси умумхалқ муҳокамасига қўйилган. Лойиҳани ўрганиб чиқиб, эскисидан тубдан фарқ қиладиган бирор-бир модда тополмай хуноб бўлганда, назаримда, матбуотда эълон қилинаётган аксарият фикр-мулоҳаза ва тақлифлар ҳам "фалон сўзнинг ўрнига писмадон сўзни қўшлаш керак" қабилидаги умумийликдан нарига ўтмаётгандек. Ҳолбуки, қонун лойиҳасида судлар мустақиллигини таъминлаш ва ривожланган демократик мамлакатлар қонунчилиги даражасига чинарашга жиддий халал берадиган моддалар талайгина эди.

"Ешлар" телеканали орқали намойиш этилган "Хуқуқ ва бурч" кўрсатувига кўпчиликни ўйлантирадиган моддалар устидан кизгин, ошқора ва дадил баҳс-мунозара юритилди.

Мен сизга айтсам, бошловчи ва муаллим Бахтиёр Шоҳназаров ўз кўрсатувига судья, ҳуқуқшунос олим толиблари, прокурор ва тadbirkor-

лардан иборат бир давра назариеччи амалиётчи, хатто... жабрланганларни йиғиб олиб "Судлар тўғрисида"ги Қонун лойиҳасини бошлаб муҳокама эди. Баҳс-мунозараларда Америка юристлар ассоциациясининг мамлакатимиздаги вакили Эллиот ал-Хдафнинг иштирок этиши кўрсатувда фикрлар ранг-баранглигини таъминлади, назаримда. Жумладан, вақилнинг ўртага ташлаган қуйдаги мулоҳазаси кўпчилик қатори мени ҳам хў-ўп мутаассир қилди: "Америка суд тизими ҳокимиятга ишонсизлик асосига қурилган! АҚШда хар бир шахснинг эркинлиги давлат ва ҳокимиятдан устун тургани фалсафаси мавжуд". Наҳотки, демократия андасиз бичиб-тиқилган (нисбий маънода, албатта — муаллим) давлатда ҳокимиятга ишонсизлик суд тизимининг "нони" бўлса?

Шу ва шу каби қатор қалтис саволлар факултетада шу уринишнинг елдек ялаб ўтиши мумкин. Бироқ, том маънодаги ана шу "ишонсизлик" судлар ва судьялар мустақиллигини, шахслар дахлсизлигини ва уларнинг ҳуқуқий эркинликларини кафолатлашга қодирлиги хар қанча "бўхшшов", "шаккок" хаёлларга чек қўяди. Қайтагина, эътирофу эътиборга арзийди.

Тан олиш ҳозикчи, Конституциямизнинг 106-моддасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил равишда иш юритиши қатъий

ХАБАР

8 ЙИЛЛИККА БАҒИШЛАНДИ

Бош Қомусимиз қабул қилинганнинг 8 йиллиги мамлакатимиз бўйлаб кенг нишонланмоқда. Тошкент давлат техника университетиде бўлиб ўтган йиғилиш ҳам айни ушбу санага бағишланди. Ректорлик вазифасини бажарувчи, техника фанлари доктори Садриддин Туробжонов кириш сўзида Республикаимиз Конституциясининг бугунги мамлакатимиз ҳаёти билан чамбарчас боғлиқлиги ҳақида тўхтади. "Конституциянинг тарихи ва жамиятда тутган ўрни" мавзусида ҳуқуқшунослик кафедрасининг катта ўқитувчиси С.Қорабоев маъруза қилди. Маъруза юзасидан бир қатор ўқитувчи ва толиблар ўз фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашдилар.

Ортиқали ҚОЗОҚОВ: "Кўргазмага марҳамат!"

Кунини кеча Ўзбекистон Миллий университети Маданият саройи бўсағасида чалинган карнай-сурнай садолари тасвирий санъат илосмандларининг янги кўргазмага жалб этди. Тўғри, кўргазмалар бўлиб турадиган ҳодиса, лекин буниси... Киравершида миллий либосдаги ҳушомат кизлар пешвоз чиққан, айни ифторлик дақиқалари эмасми, рўза оғиз очиб ўчун ташриф буюрувчиларга бир қултум сув тутилган, тўрда миллий шўла ва чолгу ансамбли хонанда ва ижрочилари мумтоз қўшиқ қуйламоқда. Асосийси — залга қўйилган ранг-ранг тасвирий санъат асарлари йиғилганларнинг

эътиборини тортди. Улар санъат арбоби, Ўзбекистон Бадиий академиясининг олтин медали совриндори, кўплаб хорижий кўргазмалар "кахрамони" ва аҳойиб ва таниқли мусаввир Ортиқали Қозоқов ижодига мансуб асарлар эди! Кўргазманинг очилиш тантанасида иштирок этган ва сўзга чиққан йирик фан ва санъатимиз намояндалари О.Қозоқов ижоди ҳақида, умуман, тасвирий санъатнинг ёшлар маънавиятини тарбиялашдаги ўрни ҳақида тўқилганиб гапирдилар. Шундан сўнг, кўргазма соҳиб йиғилганларга қарата ўз дил сўзларини изҳор этди.

ЖУРФАК — БУХОРОДА

Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети талабалари Республика Конституциясининг 8 йиллиги кенг нишонланадиган айни арафа кунларида Бухорои шариф саёҳатига отландилар. Ҳам зиёрат, ҳам маърифат, ҳам журналистик хизмати сафарига айланган бу тadbirkor мабуотимиз келажагини соҳиб ва соҳибаларига айни муддао бўлди!

Камолдин МИНГБОВ, "Техника маскани" газетасининг муҳаррири

САВДО БИРЛАШТИРИ

Савдо ва инвестициялар бўйича "Ўзбекистон — Европа Иттифоқи" қўмитасининг Тошкентда ўтказилган дастлабки мажлиси Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасида узоқ муддатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга бағишланди. Шунингдек, мажлис давомида савдо, инвестиция, қонунчилик, хусусийлаштириш, солиқ ва бошқона соҳасини бошқариш, стандартлаштириш ва бошқа масалалар муҳокама этилди. Хусусан, делегация аъзолари Ўзбекистон ва ЕИ ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларнинг ҳозирги аҳволи ва истиқболларини кўриб чиқиди.

Хозирда Ўзбекистон Республикасида ЕИга аъзо давлатларнинг 140 та фирма ва компанияси аккредитация қилинган. Ўзбекистон худудидеги 537 та корхона Европа Иттифоқи мамлакатларининг фирма ва компаниялари иштирокида ўз фаолиятини амалга ошираётди.

ОДАМ СОТИЛМАЙДИ

ЕХТ Вазирлар Кенгашини Венада ўтказилган саккизинчи учрашувда икки ҳужжат, жумладан ЕХТнинг Жануби-Шарқий Европада тутган роли тўғрисида Вена Баённомаси ва одам савдосига қарши курашда ЕХТнинг саъй-ҳаракатларини кенгайтириш тўғрисидаги қарори қабул қилинди.

ЕХТ минтақаий хавфсизлик ташкилоти БМТ низоми асосида можороларнинг олдини олиш ва кризисни бошқармоқ мақсадига яратилган. Унга Европа, Урта Осиё ва Шимолий Америкадан 55 давлат аъзодир.

3-БЕТ

ГОЛИБ — "АЛПОМИШ"

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги "Ўзбектеатр" ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси, Самарқанд вилояти ҳокимлиги, "Сонлом авлод учун" халқроқ хайрия жамғармаси, "Артемид" Ўзбекистон ёшларининг "Камолот" жамғармаси, Театр ижодкорлари уюшмаси, Республика уюшмаси марказий қўмитаси, Самарқанд вилояти маданият ишлари бошқармаси ҳамкорликда Самарқанд шаҳрида Соғлом авлод йиллига бағишланган Республика кўғирчоқ театрининг VI аънавий фестивалини ўтказди.

Анжуманда Бухоро, Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Қашқадарё, Андижон, Фарғона, Хоразм вилоятлари кўғирчоқ театр жамоалари иштирок этди.

Нихоят 4 кун давом этган Республика кўғирчоқ театрлари аънавий фестивалида фарғоналиклар Ж.Маҳмуд қаламига мансуб "Алпомиш" спектакли билан биринчи ўринни, самарқандликлар ва қоразликлар иккинчи ўринни қўлга киритдилар.

Фестивалнинг тантанали очилиш ва ёпилиш маросимида вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Маматов иштирок этди.

ТЕЛЕТОМОШАБИН

Убайдулла ХУЖАНБЕВ

ХИКМАТ

Ўз бурчини бажаришдан мамнун одамгина эркин яшайди.

ЦИЦЕРОН

МАФРИБУ
МАШРИК
ФРАНЦУЗ ФИЛЬМЛАРИ

Бугунги кунда Европада, қолаверса, бутун дунё оламида Франция кинолари ўз макеига эга. Қизиғи шундаки, француз аёл кинорежиссёрларининг фильмлари ҳам дунё киномухлислари томонидан юқори баҳоланмоқда. 29 ноябрдан 2 декабргача Ўзбекистонда француз аёл кинорежиссёрлари яратган фильмлар намойиш этилди. Бу тадбир мамлакатда Франция элчихонаси томонидан ташкил этилиб, фильмлар Алишер Навоий номидаги санъат саройида рус ва француз тилида мухлисларга тақдим этилди. Ўзбекистонликлар Летиция Массоннинг "Эга бўлмақ ёки эга бўлмалик", Лоранс Ферреранинг "Оддий одамлар гайритабиий хусусиятларга эга эмас", Паскаль Ферреранинг "Уликлар билан кичик ишлар" ва Николь Гарсианинг "Севимли ўғил" фильмларини кўришга муваффақ бўлдилар. Франция элчихонаси вакилининг айтишича, фильмларни Ўзбекистонда намойиш этишдан мақсад Франция киносанъатини мамлакатга олиб кириш ҳамда бу фильмлардаги кўтарилган муаммоларни таништиришдир. Николь Гарсианинг "Севимли ўғил" фильмидаги фарзандота муносабатлари, Летиция Массоннинг "Эга бўлмақ ёки эга бўлмалик" фильмида тасвирланган ёшлар орасидаги иш-сизил, ёшлар ва ўсмирлар ҳаёти ва муносабати каби муаммолар бутун умуминсониятга тегишлидир. Шунинг учун Ўзбекистон киномухлислари француз фильмларини ахши қабул қилишди. — Бу кинофестиваль меърида ўтди, — деди А.Навоий номи санъат саройи ходими Абдурахмон Фозилов. — Агарда кинофестивалдан олдин реклама фаолияти янада кенгайтирилганда фестивалга кўпроқ одамлар келарди. Демокчи-манки, кўпчилик бу фестивалдан беҳабар қолди, лекин келган томошабинлар кинолардан қониқдилар, чунки фильмлар профессионал даражада ишланган. Намойиш этилган фильмлар ҳар хил фестивалларда бир нечта олий мукофотларга сазовор бўлган. Нилуфар БЕРДИЕВА (ЎЗМУ толибаси) тайёрлади

ПАЗАНДАЛИК
МУШТАРАК МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДА
"НАСИГОРЕНГ" — Индонезия палови!

Хозирда Индонезия номи билан дунёга танилган архипелаг эраимиздан тўрт миллион йил аввал, яъни полистасин даврида мавжуд бўлганини тарих тасдиқлайди. Бу даврда илк бор Хаминидлар пайдо бўлган ва дунёнинг шу қисмида, яъни Явада илк мартаба инсоният излари топилган. Индонезиялик машҳур ёзувчи Эйгин Дубоис ўз асарига Ява оролидан топилган тарихий топилмалар Ява ибтидоий одамлари, яъни Индонезиянинг ибтидоий одамлари эканлигини тасдиқлайди. Шимолий Европа ва Америка континентларидаги музликларнинг эриши натижасида мазкур минлар кўчиб боради. Ва кейинроқ ўша ердаги маҳаллий халққа қўшилиб кетади. Бугунги кунда мамлакатда савлат тўкиб турган мавжуд тарихий обидалар бу ўлканинг нақадар узоқ тарихга эга эканлигини кўрсатади. Бугунги кунда бу мамлакат жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнига эга. Бу ерда мусулмон дини — асосий дин ҳисобланади. Мамлакатда ҳар йили турли-туман байрам ва ўзига хос тадбирлар ўтказилади. Бу байрамлар ана шу ерда яшаётган миллат ва элатларнинг урф-одатлари билан уйғунлашиб, ўзига хос жозиба намоеён этилади. Индонезия — асосан қишлоқ ҳўжалигига ихтисослашган мамлакат ҳисобланади. Унинг иктисодиётига бошқа манбалардан ташқари доривор гиёҳлар, зирavorлар ҳам катта даромад келтиради. Мамлакатда туризм ҳам яхши ривожланган. Табиати гўзал, мафтункор ороллари бой бўлган бу ўлкага ҳар йили минглаб сайёҳлар ташриф буюришади. Биз ана шу юрт ҳақида янада кўпроқ маълумотга эга бўлиш мақсадида Индонезиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ижтимоий маданият ва ахборот бўлими бошлиғи жаноб Бамбанг Дараниндрга мурожаат қилдик.

500 дан ортиқ тил ва шева-ларда гаплашадилар. Гарчи, бу ерда турли тиллар мавжуд бўлса-да, яхлитлик сифатида Индонезия тилида гаплашади. 300 дан ортиқ яраша яшаш тарзи мавжуд. Ниятим ана шу мавжуд маданият ва урф-одатларни халқингизга таништиришдир. Шундан келиб чиқиб, Индонезия халқининг ўзигагина хос таомларидан ўнга яқинини ўзбек халқига таништириш мақсадида Тошкентда "Индонезия таомлари" фестивали ўтказмоқчимиз. Режамизга кўра, фестивал икки кун давом этади. 15 декабрь кун пойтахт аҳолиси ва меҳмонлари, 16 декабрь кун эса расмий идоралар вакиллари фестивалга тақдир этилдилар. "Буми Ташкент интернэшнл" (илгариги "Ле Меридиан") меҳмонхонасида фестивал чипталари сотилмоқда. Ўжорига Индонезияда 500 дан ортиқ элатлар яшашини айтдим, уларнинг ҳар бирида кам деганда бештадан муҳим таомлар бўлганида ҳам бир ярим мингдан зиёд таом бор. Улар орасида ўзбекча паловга ўхшайдиган, тайёрланиши ҳам айнан ошини



эслатадиган "НАСИГОРЕНГ", яъни, "наси" — "гуруч" ва "горенг" — "қовурилган" маъноларини англатади. Асосий фарқ эса бизнинг "ош"да зирavorлар кўпроқ қўшилади. Шунингдек, "САТЕХ" номли таом ҳам ўзбекча кабобни эслатади. Барча қизиқувчиларни таомлар фестивалига тақдир этилади. Уда Индонезия таомларини ўзбек халқига таништириш билан бир қаторда мамлакатнинг қишлоқ ҳўжалигига асосланган мамлакат эканлигини ҳам фестивал иштирокчиларига кўрсатиб бермоқчимиз. Яна шунини таъкидламоқчиманки, Индонезия — бу доривор ўсимликлар ва зирavorлар юрти. Бу эса оқовларнинг янада хуштав бўлишини таъминлайди. Мамлакат тарихига назар ташлаганимизда ҳам қадимда кўлаб давлатларнинг бу юртини қўлга қирайтишга қартилган ҳаракатлари, мустамлака қилганликларининг замирида ягона мақсад — у ердаги зирavorлар, доривор гиёҳлар орасидан бойлик орттириш бўлган. Икки халқи бир-бирига таништириш, давлатларимиз ўртасидаги дўстона алоқаларни янада қулайтириш, ягона мудоомиз этиш, бу борада "Хуррият" газетасининг биз билан ҳамкорлиги ҳам айни мудоомиз, — деди сўзи якунида Бамбанг Дараниндрга жаноблари.

Сўхбатни МУХБИРИМИЗ Ёзиб олди

ДАРЕНИНДРА: — Индонезия элчихонасининг ижтимоий маданият ва ахборот бўлими бошлиғи сифатида икки давлат ўртасидаги ўзаро дўстона алоқаларни ривожлантириш ишларини олиб бораётган бўлсам, менинг асосий мақсадим, Индонезия халқини ўзбек халқига, ўзбек халқининг ўзига хос бой маданий меросини эса, Индонезия халқига таништиришдан иборатдир. Индонезия, бу — ороллар мамлакатидир десам янглишмайман. Бу ўлкада хозир 17 минг 500дан ортиқ ороллар мавжуд. Энг йирик ороллардан — СУМАТРА, КАЛИМАНТАН, ЯВА, СУЛАВЕСИ, ИРИАН ороллари ҳисобланади. Бу ороллардан 100 тасида аҳоли яшайди. Индонезиянинг маданияти



ҳам турличадир. Мисол учун, бир оролдаги мавжуд урф-одатлар иккинчи оролда яшаётган аҳолида тақрорланмайди. "Бирор халқ ҳақида билишни истасан, аввало, унинг тилига мурожаат қил", деган нақл бор. Тилимиз турли тилларда сўзлашувчи йили миллат вакилларидан иборат бўлган Индонезия халқини бирлаштириш таради. Бугунги кунда бу юрда 200 миллиондан ортиқ аҳоли яшайди. Улар

ЭЪТИҚОД
"ЎҒИЛЛАРИНГИЗНИНГ ОЛИЖАНОБ НИЯТЛАРИ..."
Лев Толстой ислом дини ҳақида

ТАРЖИМОНДАН:
Улуғ Толстойнинг ҳаёти ҳақиқат излаш, мазлумларга, умидвор одамларга қўмаклашиш, чор ҳукуматининг зулмига қарши, жумладан, мустамлака элларга ўтказётган зулмига қарши исён, адашган, йўл топа олмадан қийналган кишиларга қўлидан келганича маслаҳат бериш билан ўтган. Унинг қудратли қалами ўз вақтида подшо ҳукуматининг асосларига дарз кетказишга, одамларнинг маърифатли, юксак маънавиятли бўлишларига ўша замондаги имконият даражасида хизмат қилган эди. Буюк гуманист адиб ўзига келган бир хатта (унда Е.Е.Векилова деган бир аёл ўғиллари татарлар орасида маърифат ишларини олиб боришга қарор қилганликларини, яхшироқ иш олиб бориш ниятида ислом динига кирмоқчи бўлганликларини айтиб, Толстойдан маслаҳат сўраган) жаъобига ислом динига муносабати ва умуман дин масаласига ўз қарашларини баён этган. Барча улуғ гуманистларнинг дин ва динлар масаласига шойиста муносабатда бўлганликларини назарда тутиб, Толстойнинг ушбу хатини таржима қилиб беришни лозим топдим. Адиб услубини юзага чиқариш мушкул иш, бу жиҳатдан нуқсонлар бўлса, уэр сўрайман...

айниқса ўғилларингизнинг ўз олдига қўйган олижаноб ниятларига ҳам дилдан қўшиламан. Асл христианлик идеаллари ва христианлик таълимоти ни ҳамма нарсадан аъло бўлган мендек бир одамнинг бундай сўзлари қанчалик ажабтовуз туюлмагин, ислом, лоқал ташқи шақлий жиҳатларининг ўзи биланок черков православиесидан бекиёс даражада юксак эканлигига менда зарра шубҳа йўқ. Чунокки, киши олдига иккисидан бири: черков православиеси ёкиқд исломни танлаб олиш шарт қилиб қўйилса, ҳар бир оқил одам мураккаб ва мавҳум ақоидлар — улик худдо, гуноҳлардан фориғланиш, фариоз, худонинг онаси, авлиёлар ва уларнинг образлари ҳамда мураккаб тоат-ибодатлар мажмуини эмас, бирубор парвардигор ва унинг расули тўғрисидаги ягона ақидани ҳеч иккиланмасдан танлаб олиши аниқ. Бундан бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас эди, яъни ислом христианликдан 600 йил кейин келиб чиққан бўлмаганида христианлик моҳиятини булғайдиган ва черков динига кириб қолган жуда кўп хурофотдан у ҳам холи бўлмаган ва ана шу черков динидан юқори кўтарилма олмаган бўлар эди.

Бўғу дунёда ҳамма нарса ривожланади, такомиллашади, ҳар бир алоҳида одам камолга ета боргани каби, бутун башарият ҳамда одамзот ҳаётининг бош асоси бўлмиш диний онг ҳам такомиллашади. Диннинг ривожланиши эса унинг соддалишида, равшанлашишида, юзини парда каби қоплаб олган ҳар хил нарсалардан покланишида кўринади. Диний ҳақиқатни уни тўсиб турган нарсалардан халос этиш энг қадимги замонлардан тортиб бизга маълум бўлган тарихга қадар, башариятнинг улуғ мутафаккирлари бўлмиш шариф зотлар томонидан амалга ошириб келинган, айнан улар барча катта динларга асос солганлар. Чунокки, бизга маълум бўлган барча динлар орасида динни мана шундай янгила, хилга юксак англаш дастлаб Ҳиндистоннинг Веда қитобларида, кейинроқ эса Мусо, Будда, Конфуций, Лаотц (Лао Цзы — тарж.), Исо ва Муҳаммад алайҳиссалом таълимларида намоеён бўлган. Уларнинг ҳаммалари динни қадимий дағал англашдан халос этиб, унинг ўрнига динни теган, содда ва оқилона англашни тақдим этган, шу билан янги динларга асос солган буюк инсонлар эди, аммо нима бў

ТАШРИФ
БЕЛОРУСЬ ПОЙТАХТИДА УЧРАШУРЛАР

Белоруссия пойтахти Минскда МДХ раҳбарларининг кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашта президентлар террорчиликка қарши кураш ва эркин савдо зонаси марказини яратиш ҳамда ҳўжатларни янгилаштириш каби масалаларни муҳокама қилдилар. —Минскдаги ййгилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ўз қарашлари ва ёндашувини баён қилди. Шунингдек, Президент Россия, Беларуссия ва Тожикистон раҳбарлари билан алоҳида мулоқотда бўлди. Кенгашта МДХ раҳбарлари 21 июнда Москва саммитида қабул қилинган Ақсилтеррор марказининг Низомини тасдиқлади. Мазкур Низом марказнинг ҳўқуқий мақоми, асосий мақсад ва вазифарларини белгилаб беради. Минск саммитида МДХ президентлари эркин савдо зонасини ташкиллаштириш ва зонанинг ҳўқуқий базасини яратишга келишиди. Жорий йилнинг ярим йилгида МДХнинг ўзаро савдо-сотик ҳажми 43 миллиард АҚШ долларидан ошди. Хуллас, Минск саммитидан чиқарилган хулосалар қуйидагича: — Президентлар молиявий кингирликларга қарши курашишга келишиб олдилар; — Президент И.Каримов Россия Президенти В.Путин билан учрашганда, улар Ўзбекистон ва Россия фуқароларини давлатларда визасиз ҳаракатланиши ҳақидаги ҳўжатга имзо чекдилар; — Келаси йил МДХ ташкил топганига ўн йил тўлади. Шу муносабат билан МДХ раҳбарлари айрим ҳўжатларни бекор қилиши ва қолганларини янгилашди.

Топтемир ХУДОЙҚУЛОВ, ЎзДЖТУ I курс толиби

Е.Е.Векиловага
1909 йил мартнинг 13-16-кунлари, Ясная Поляна.
М., 1955, 79-том, с. 118-120.
Елена Ефимовна!
Ўғилларингизнинг татар халқи маърифатини ривожлантиришга хизмат этиш ниятларини астойдил маъқуллаяман. Бунинг учун исломга ўтиш қанчалик шарт экан, билонма-дим. Менимча, давлатни тан олмаган ҳолда, кимга бўлса-да, одамнинг қайси динга мансублигини расман эълон қилиш ортиқча. Шунинг учун ҳам, модомки ўғилларингиз православ дунёқарашини тарк этиб, исломий эътиқодни қабул қилмоқчи бўлсалар, улар буни ошкор этишлари, яъни бир диндан воз кечиб бошқасига ўтмоқчи эканликларини эълон қилишлари шарт эмас. Балким шундай қилиниши зарурдир, билмадим, шунинг учун ҳам бу ҳақда маъмурларга айтиш-айтмаслик масаласини ўғилларингиз ўзлари ҳал этганлари маъқул.

лганида ҳам улар инсон эдилар, бинобарин, ҳақиқатни бор равшанлиги, теранлиги ва соддалиги билан аввалги ҳар

қандай жаҳолатдан буткул халос этиб ифодалашга қодир эмас эдилар. Боринки, бу одамларнинг ўзлари янглишдилари мумкин эмас ва улар нимаики демасин, айни ҳақиқат бўлган деб фараз қилганимизда ҳам, уларнинг ўзлари даражасига етмайдиган шогирдлари ҳақиқатни бор теранлиги билан англашга қодир бўлмаганлар ва худди шунинг учун ҳам уни баҳаришга, ҳаммага жорий эканлигини йўққа чиқаришга интилиб уни бузганлар, унга ҳар хил ортиқча, хуусан гайритабиий шунча кўп нарсаларни қўшганларки, оқибатда аксар одамлар ҳақиқатнинг ўзини бутун қиммати билан кўришлари амримаҳол бўлиб қолган. Ва динни бу тарзда бузишлар, дин қанчалик узоқ замон талкин этилган бўлса, унинг асосчиларига равшан бўлган нарсалар устини шунчалик кўп қоплаб уни мавҳумлаштира борган. Худди шунинг учун ҳам энг қадимги динларда ҳақиқатни тўсиб турган турли-туман гайритабиий хурофотлар ниҳоятда кўп бўлади: энг кўнча браҳма динида хурофот ҳаддан зиёд кўп, яхудо динида ундан сап камроқ даражада, буддийлик, конфуцийлик, таоизм (даосизм — тарж.)да эса ундан ҳам камроқ, христианликда анча кам ва ниҳоят охириги улуғ дин — исломда энг кам даражададир. Худди шунинг учун ҳам ислом бу жиҳатдан энг мақбул мавқеда туради. У ўзидеги барча кейин ортирилган гайритабиий ва сиртки диний талқинларни ташлаб, асосий нарса — Муҳаммад алайҳиссаломнинг диний-ахлоқий таълимоти асос қилиб қўйиши биланок, барча динларга, хуусан ўзи эътироф этадиган христианлик таълимотига табиий равишда уйғунлашади. Сизга бу қадар батафсил мактуб битишимнинг боиси бор. Ушбу фикрларимни ўғилларингизга етказасиз ва бу фикрлар уларга ўз олижаноб ниятларини амалга оширишда ақсодати, деб ўйлайман. Динни унинг моҳиятини ташкил этадиган буюк ҳақиқатларга соя солган барча нарсалардан тозалашга қўмаклашиш инсон жазм этадиган фаолиятларнинг аълосидир. Шунинг учун ҳам ўғилларингиз бу ишни унингнинг маъноси деб билсалар, ҳаётлари сермазмун ва олижаноб бўлишига шубҳа йўқ. ... Маслаҳатларим озми-кўлими ақсотса ва ўғилларингиз менга қандай қарорга келганликлари ва бундан кейинги ишлари тўғрисида хабар қилсалар, беҳад мамун бўлардим.

Зухриддин ИСОМИДИНОВ таржимаси


АЖАБО!
Дунёдаги энг паст бўйли одам — Санта Домингода яшайдиган бўйи 28,3 дюм (72 см)ли Нелсон "миттивой" бўлиб, унинг бўйи 21 ёшда ўсишдан тўхтаган.

GEF
Сув - тириклик манбаидир!
Мингбулоқ туманида Шўрсув қишлоғи бор. Қишлоқ этагидеги ер остидан 74 даражали қайноқ, мўъжизакор сув чиқади. Наманган-Фаргона йўналишидаги автобус манзилга елдек учиб борапти. Шўрсув қишлоғидан чиққан отаконинг гаплари эътиборини торти: "Зап сув экан-да, — дея пешонасидеги терларини артади отакон. — Белим, обёмни зиркиратиб оғриди. Энди кампирга иш қолмади, ҳисоб. Яратганга шукр, дарддан қутулганга ўхшайман". — 1955 йиллар бўлса керак, — дейди Набижон ака Қорабев биз билан сўхбатда. — Туманимиз ерларини геологлар текширишарди. Бургулаш ишлари кетаётган бир пайтда

ШЎРСУВ МЎЪЖИЗАЛАРИ
Ёхуд денгизнинг ҳам чеки бор...

нариги қудуқдан иссиқ сув отилиб чиқди. Қайноқлиги нақ қўли қуйдиради. Синаш учун туҳум ҳам ташлаб қўрганмиз, пишган. Сувнинг шўрлиги-чи, шўрлигини айтмайсизми, бир қултум ютиб бўлмайди. Аввалига хафа бўлдик. Сабаби, бизга тоза сув зарур эди-да. Кейинчалик шўр сувнинг ҳосиятини билган, хурсандчиликдан димогимиз чоғ бўлди. Аввалига оёқ ва бели оғриган беморлар келиб даво топишди. Вақт ўтиб, бошқа касалликка чалинган беморлар ҳам кела бошлашди.

Баҳоқдор туғилди. Хозир эса фарзандлар ортидан набиравлар ҳам қўрдик. — Узим Қўрғизстоннинг Жалолобод вилояти, Сузоқ туманиданман. Уч-тўрт йилдан буён оёқ-қўлларим уюшиб оғрир эди. Бугунларим чидаб бўлмас даражада зиркиради. Энди ўзимни анча енгли ҳис этаман, — дейди Насиба Хурбоева. Шукрулло ака Тоштовлар эса Андижон вилояти Қўрғонтепа туманининг Савайдан эканлар.



— Ўн йилча фарзанд кўрмадик, — дейди Солижон ака Фозиев, — Яхши одамларнинг маслаҳатига кўра, Шўрсувга турмуш ўртоғим билан қатнадик. Худода шукр, унда даво тоғдик чоғи, дастлаб каттаммиз

Кўёс
Оқ уйда ўтказган ўттиз тўрт ойлик фаолияти мобайнида Жон Кеннеди 64 мартаба матбуот анжумани ўтказди. АҚШ телевидениеси томонидан олтиши учтаси олиб берилди, бундан ташқари у Оқ уйдан туриб тўққиз марта халққа мурожаат қилганди.

ХУРРИЯТ
МУСТАҚА ГАЗЕТА
6-12 декабрь
48 (201) -сон
Муассис: Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократийлаштириш ва кўлариб-қувватлаш жамғармаси
Бош муҳаррир: Хуррид ДЎСТМУХАММАД
Ташриф ҳаётияти: Азамат ЗИЁ, Озод ШАРАФИДИНОВ, Наним КАРИМОВ, Абдуқаҳор ИБРОҲИМОВ, Раҳмон КЎЧҚОР, Норали ОҶИЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Амirkул КАРИМОВ, Абдуқоюм ИҮЛДОШЕВ
Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 165-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими А-2.
Ташрифат манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Телефонлар: 133-69-45, 136-53-63
Индекс:
Якка обуначилар учун — 233 Тошкентчилар учун — 234
«Шарқ» нашрият-матбаа акциядорлик концерни босмаҳонасида босилди. Манзил: «Буюк Тўрик» кўчаси, 41-уй.
Навбатчи муҳаррир: Зокиржон АЛИБЕКОВ
Топшириш вақти — 21.00
Топшириш — 18.00
Бўюртма — Г-1042
Муаллиф фикри тақдирини нуктаи назаридан фарқланishi мумкин. Тақдирингиза юборилган мактуб ва мақола-ларга ёзма жаъоб қайтарилмайди.
Hurriyat kompyuter markazida tirdil va sahifalandi. Sahifalovchi: Sh.SAYDALIYEV

